БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 74 (18.850). • Чоршанба, 28 март 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига

## КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Константин Устинович ЧЕРНЕНКОга

Биз, Бутуниттифоқ иқтисодий кенгашининг қатнашчилари мамлакат агросаноат комплексини янада ривожлантириш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш йўлидаги курашнинг ҳал қилувчи босқичида унинг самарадорлигини оширишнинг энг зарур проблемаларини муҳокама қилдик. Совет халқи КПСС раҳбарлигида партия XXVI съездининг, Марказий Комитет кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш учун фидокорона меҳнат қилиб, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янги-янги муваффақиятларга эришмоқда.

Партиянинг ленинча ташқи сиёсати давомийлигини тасдиқлаган КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленуми коммунистларни, барча совет кишиларини жамиятимизни янада ривожлантиришнинг аниқ ва равшан программаси билан қуроллантирди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Константин Устинович Черненконинг Марказий Комитет Пленумидаги ва сайловчилар ҳузуридаги нутқлари зўр сиёсий ва сафарбар этувчилик аҳамиятига моликдир. Биз КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми якунларини якдиллик билан маъқуллаб, партия қўйган вазифаларни рўёбга чиқариш учун сабот билан курашаверамиз.

Кенгаш қатнашчилари партиянинг давлатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини ошириш асоси бўлмиш социалистик экономикани ҳар томонлама ривожлантириш йўлини чуқур англаб, қўллаб-қувватлайдилар. «Социал программаларимизни амалга оширишда муваффақиятли равишда олға силжиш учун, — деди ўртоқ К. У. Черненко сайловчилар билан учрашувда, — экономикани ва аввало унинг самарадорлигини барқарор, узлуксиз ўстириш зарур». Биз кундалик фаолиятимизда партиянинг ижодий, актив ишлаш, ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтириш, хўжалик юритиш методларини такомиллаштириш, мавжуд ресурс ва имкониятлардан фойдаланишнинг янги, янада самаралироқ йўлларини қидириш, давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги йўл-йўриқларига оғишмай риоя қилаверамиз. Шу асосда юксак пировард натижаларга эришаверамиз.

КПССнинг ҳозирги замон аграр сиёсатини изчиллик билан амалга оширишни, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг қишлоқ хўжалик хом ашёсига бўлган эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондириш учун СССРнинг Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришни ўзимизнинг бевосита вазифамиз деб биламиз. Қишлоқ хўжалиги экономикаси проблемаларини ҳал этиш билан бирга қишлоқларни социал-маданий жиҳатдан ривожлантиришга эътиборни кучайтирамиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини бажариш юзасидан партия билан ҳукумат амалга ошираётган ташкилий, иқтисодий ва социал тадбирлар ўз самараларини бера бошлаганлигини зўр мамнуният билан қайд этамиз. 1983 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти кўпайди. Кўпроқ дон, картошка, қанд лавлаги, сабзавот ҳосили олинди, пахта ва зиғирдан дуруст ҳосил етиштирилди. Чорвачиликдек муҳим тармоқда сезиларли силжишлар содир бўлди. Гўшт, сут, тухум ва жун тайёрлаш планлари ошириб бажарилди. Давлатнинг жуда катта ёрдами туфайли колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланди. Хўжаликларнинг рентабеллиги ошди, меҳнат унумдорлиги ўсди.

Қайта ишлаш тармоқлари ўз ишини яхшиламоқда. Озиқ-овқат, гўшт ва сут, балиқ саноати корхоналари 1983 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган планларни бажарди, топшириқлардан ташқари икки ярим миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Бу натижалар СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасидаги катта ишнинг бошланишигина эканини жуда яхши тушуниб турибмиз. Қишлоқ хўжалигининг бир қанча маҳсулотлари юзасидан белгиланган ишлаб чиқариш ва харид қилиш ҳажмларига ҳали тўла-тўкис эришилгани йўқ. Айрим жойларда ердан, ўғитдан, техникадан, ем-хашак ва бошқа моддий-техника ресурсларидан дуруст самара олинаётгани йўқ. Бир талай хўжаликларнинг рентабеллиги паст, улар маҳсулот бирлиги учун ўринсиз равишда катта чиқим бўлишига йўл қўймоқда.

Қишлоқда барпо этилган қудратли ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан самарали равишда моҳирона фойдаланиш — бизнинг энг муҳим вазифамиздир. Ернинг ҳосилдорлигини, техника, минерал ўғит, капитал маблағларнинг самарадорлигини анча ошириш, ҳар бир колхоз, совхоз, корхонада деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга, юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришиш лозим.

Хўжаликлардаги ва агросаноат комплекси корхоналаридаги иқтисодий ишни янада яхшилашни партия қўйган вазифалар бажарилишининг энг муҳим шарти деб билиб, бутун куч-ғайратни мана шу ишга қаратамиз. Кенгашдаги батафсил, очиқ-равшан фикрлашувлар бу ишда ҳали катта-катта камчилик ва нуқсонлар борлигини, баъзи жойлардаги ходимлар ҳар бир тийинни чинакамига ҳисобга олиш ва тежашни, чиқимлар билан хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини таққослашни ўрганиб олмаганликларини кўрсатди.

Ҳамма жойда хўжалик ҳисобини, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини, айниқса, коллектив пудратни жорий қилиш учун, иқтисодий тежашни кучайтириш, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз. Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари камида бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда ярим процент камайтириш учун қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган тармоқлар ходимлари ўртасида авж олиб кетган ҳаракат катта аҳамиятга эга. Шу йўл билан 1,7 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот олиш ва фойдани йилига бир миллиард сўмликдан зиёд ошириш мумкин бўлади.

Агросаноат комплексининг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан янги бошқарув органлари — агросаноат бирлашмаларининг иши билан белгиланади, бу бирлашмалар маҳсулот етиштириш масалаларини, тармоқлараро алоқаларни, қишлоқдаги социал тараққиёт масалаларини ҳал этишга актив киришди. Аммо улар фаолиятининг айрим жиҳатлари ҳали пухта йўлга қўйилган эмас. Агросаноат бирлашмаларининг кенгашлари тезроқ куч-қувват тўплаб олишлари, бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланишлари, амалий иш услубини чинакамига ўзлаштириб олишлари зарурлигини яхши тушунамиз. Бошқарувнинг иқтисодий методларини активроқ жорий этамиз, планлаштириш ва моддий рағбатлантиришни яхшилаймиз, кадрларнинг малакасини ошириш ва уларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишлари ҳақида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қиламиз.

Белгиланган планларнинг тақдири ҳозир кўкламги экишни уюшқоқлик билан, ўз вақтида ва сифатли ўтказиб олишга, чорва қишловини муваффақиятли тугаллашга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Биз ҳар бир хўжаликда ишларни интенсивлаш асосида ҳосил олиниши учун, чорвачилик маҳсулдорлигини янада ошириш учун куч-ғайрат сарфлаймиз.

Кенгаш қатнашчилари агросаноат комплексининг ходимлари бутун совет халқи билан биргаликда партия XXVI съездининг, Марказий Комитет кейинги Пленумларининг қарорларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч, билим ва тажрибани ишга соладилар, меҳнатда янги муваффақиятларга эришиб, Ватанимизни қувонтирадилар, унинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга, тинчлик ва социал тараққиёт иши учун курашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетига ваъда берадилар.

Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи гуллаб-яшнасин ва мустаҳкамланаверсин!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

**АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ПРОБЛЕМАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БУТУНИТТИФОҚ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ**

# ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

### *Агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгаши*

Агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгашининг биринчи кунида йиғилиш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. С. Горбачев** «Партия, совет ва хўжалик органларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда агросаноат комплекси бошқа тармоқларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Ушбу кенгашни очиш чоғида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко айтганидек, бу анжуман КПСС Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги ишнинг дастлабки якунларини муҳокама қилиш учун чақирилди. Унинг нутқида партия ташкилотлари, агросаноат комплексининг ходимлари олдида турган вазифаларнинг моҳияти ифодалаб берилди, бутун фаолиятимизнинг асосий йўналишлари ҳақида аниқ кўрсатмалар баён этилди, деб уқтирди докладчи.

Экономикамиз ўз тараққиётининг масъулиятли босқичида турибди. КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида уч йилдан бери қизғин меҳнат қилинмоқда. Биз ўн биринчи беш йилликнинг ғоят мураккаб ва масъулиятли вазифалар кўндаланг бўлиб турган тугалловчи даврига қадам қўйдик. Партия ўзининг бутун фаолиятида КПСС XXVI съездининг ва Марказий Комитет кейинги Пленумларининг стратегик йўл-йўриқларига қатъий амал қилмоқда. У кундалик вазифаларни ҳам, узоқ муддатли вазифаларни ҳам ҳал қилиш учун етарли равишда яхлит ҳаракат программасига эгадир. Ўртоқ К. У. Черненконинг февраль Пленумидаги ва сайловчилар билан учрашувдаги нутқларида бу ишнинг кенг миқёси ҳақида чуқур ва атрофлича гапирилди. Бу нутқларда экономикани янада ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш вазифалари ҳамда йўллари аниқ-равшан белгилаб берилган, партиянинг, давлат ва хўжалик органларининг, барча меҳнаткашларнинг диққат-эътибори шу вазифаларга қаратилмоғи керак. Экономикага раҳбарлик соҳасидаги ишга янада жўшқин ва собитқадам характер бахш этиш, жамики янги, илғор тажрибаларни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш, омманинг ижодкорлиги ва ташаббускорлигини ҳар тарафлама ривожлантириш, тартиб, интизом, уюшқоқликни мустаҳкамлаш зарур.

Экономика соҳаси партиянинг фаолиятида доимо марказий соҳа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Кейинги вақтларда КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат халқ хўжалигининг самарадорлигини оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилдилар.

Турмуш интенсивлашга диққат-эътиборни кучайтиришни талаб қилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, экономикани ўстиришнинг асосан интенсив омилларига, бошқарувнинг янги методларига ўтиш — осон иш эмас. Бу соҳада хоҳишнинг бир ўзи камлик қилади. Партия, давлат, хўжалик органлари, барча кадрларимиз муттасил иш олиб боришлари керак. Аммо биз бу вазифани амалга оширишимиз мумкин ва лозим. Мамлакатда малакали кадрлар, зарур ресурслар бор. Бизнинг энг муҳим резервимиз — кенг омманинг мададкорлиги, унинг жамият олдида пайдо бўлаётган проблемаларни ҳал этишда актив қатнашиш истаги ҳам бор. Мамлакатимиз барча жабҳалар бўйлаб ҳаракат қилиб, меҳнат коллективларининг ташаббуси ва ижодини ривожлантириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошира олади.

Экономиканинг ҳар бир соҳасини ва айниқса унинг социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишни кўп жиҳатдан белгилаб берадиган секторларини интенсивлаш ва ривожлантириш муҳимдир. Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми маъқуллаган мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга қаратилган қишлоқ хўжалиги, бутун агросаноат комплекси мана шундай секторлардир.

Марказий Комитетнинг май Пленумидан кейин икки йилга яқин вақт ўтди. Шу вақт ичида қилинган ишларнинг баъзи дастлабки якунларини энди тўплаш мумкин. 1983 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1982 йилга нисбатан 5 процент кўпайиб, салкам 134 миллиард сўмликка етди. Шу билан бирга Россия Федерациясидаги ўсиш 6 процентни, Қозоғистонда 11, Қирғизистонда 10, Белоруссия ва Эстонияда 9, Латвияда 7 ва Литвада 6 процентни ташкил қилди.

Кейинги тўққиз йил ичида биринчи марта барча республикалар чорвачилик маҳсулотлари асосий турларини тайёрлаш планларини уддаладилар. Бир йил мобайнида гўшт тирик вазнда 1,5 миллион тонна, сут 5,4 миллион тонна ва тухум 1,8 миллиард дона кўпайди. Бу муваффақиятлар қайта ишлаш тармоқларининг ишига ижобий таъсир қилди. Гўшт, сут саноати корхоналари пландан ташқари 1,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Озиқ-овқат саноати ходимлари, агросаноат комплексидаги бошқа бир қанча тармоқларнинг ходимлари яхши меҳнат қилишди.

Колхоз ва совхозлар фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам яхшилик томон ўзгара борди. Жами рентабеллик даражаси 21 процентга етди. 1983 йилда харид нархларининг ва уларга қўшимча ҳақнинг оширилганлигини ҳисобга олмаганда, фойда 7,4 миллиард сўмлик кўпайди. Умуман эса фойда 23,3 миллиард сўм бўлди. Мамлакатдаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг экономикаси сезиларли даражада мустаҳкамланмоқда. Қишлоқда социал ўзгартишларнинг суръатлари жадаллашди. Уй-жой, маданий-маиший объектлар, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи объектлари қурилиши кўлами кенгайди.

Аграр секторда умидбахш силжишлар бор. Шунга қарамай, умумий аҳвол бизни қаноатлантира олмайди. Беш йилликнинг уч йили мобайнида қишлоқ хўжалиги давлатга план топшириғига нисбатан талайгина дон, чорва ва парранда, сут, бошқа маҳсулотни камроқ етказиб берди.

М. С. Горбачев иттифоқдош республикалар, ўлкалар ва областлар Озиқ-овқат программасини қандай бажараётганлигини муфассал таҳлил этди. РСФСРнинг бир қанча ўлкалари ва областларида маҳсулот етиштириш секинлик билан кўпаймоқда. Масалан, Олтой ўлкасининг колхоз ва совхозлари ресурслар ортиб бораётган бир пайтда шу беш йилликда дон ва бошқа маҳсулот турларини етиштириш ва тайёрлашни камайтириб юбордилар.

Кўпинча областлар гарчи табиий иқлим ва иқтисодий шароитлари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, ҳар хил ишламоқдалар, сира ҳам бир хил натижаларга эришмаяптилар. Волгоградликлар билан ростовликлар ўз қўшниларидан орқада қолиб, ўнинчи беш йилликдагига қараганда ёмонроқ ишламоқдалар. Ярославль областидаги кўрсаткичлар Владимир областидаги кўрсаткичлардан анча паст. Иваново, Пермь областларида ва Удмуртияда бир қанча маҳсулот турлари бўйича планларнинг анча миқдорда бажарилмай қолишига йўл қўйилди.

Украина, Қозоғистоннинг, бошқа баъзи республикаларнинг кўпгина колхоз ва совхозларида уч йилнинг якунлари план кўрсаткичларидан паст бўлди. Беш йилликнинг қолган икки йилида қолоқликни батамом тугатиш учун мана шулардан ғоят жиддий хулосалар чиқариб олиниши керак.

Биринчи навбатда дон етиштиришни ўстиришни ва ҳар бир хўжалик ва район, ҳар бир область, республика давлатга ғалла сотиш юзасидан берилган топшириқларни умумий ҳажмдагина эмас, шу билан бирга ҳар бир экин ҳосили юзасидан белгиланган ҳажмда ҳам сўзсиз бажаришларини таъминлайдиган тадбирлар системасини амалга ошириш муҳимдир. Юқори сифатли овқатбоп буғдойнинг кучли ва қаттиқ навларини етиштириш соҳасидаги ишларнинг аҳволини шу йилнинг ўзидаёқ қатъиян ўнглаб олиш керак.

Фермаларнинг меҳнаткашлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Чорвачиликда содир бўлаётган ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва тобора ривожлантириш муҳимдир. Бунинг учун шарт-шароитлар бор. Ем-хашак ўтган йилги мавсумдагидан кўпроқ ғамлаб қўйилган, хўжаликларга омихта ем билан ёрдам берилмоқда. Лекин кўпгина республикалар, ўлкалар ва областларда фермаларнинг маҳсулотлари бултурги даражага нисбатан анча кўпроқ етиштирилиб, харид қилинаётган бўлса, Челябинск, Киров, Қашқадарё ва Бухоро областларида сут тайёрлаш камайди. Ўзбекистонда, Оренбург, Новосибирск, Омск, Запорожье ва Полтава областларида чорва ва парранда харид қилиш пасайди. Бундай аҳволга олиб келган сабабларни конкрет равишда кўриб чиқиб, уни зудлик билан тузатиш керак.

Докладчи агросаноат комплекси экономикасини мустаҳкамлашнинг энг муҳим масалаларини анализ қилиб, интенсивлаш жараёнини фақат фондларни жамғаришдангина иборат қилиб қўйиб бўлмайди, деб таъкидлади. Мавжуд ҳамда олинаётган моддий ва молиявий маблағлар бирлигидан маҳсулот олинишини кўпайтириш — интенсивлашнинг бош мақсадидир.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларида ғоят катта ишлаб чиқариш потенциали тўпланган. Барча қувватлар ва ресурслардан фойдаланишни яхшилаш, заиф бўғинларни мустаҳкамлаш, мавжуд фондлардан энг мақбул тарзда фойдаланиш, уларнинг структурасини такомиллаштириш биринчи даражали вазифадир.

Нотиқ қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантиришга, колхоз ва совхозларни, агросаноат комплексининг бошқа корхоналарини янги яратилган серунум машиналарнинг комплектлари билан кўпроқ таъминлашга, қишлоқда техникани ремонт қилиш ва сақлаш базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди.

Май Пленумидан кейин Марказий Комитет билан ҳукумат қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоқларини ривожлантиришга катта-катта капитал маблағ ажратдилар, ўртага қўйилган вазифани ҳал этишга мамлакатнинг асосий қурилиш ва машинасозлик министрликларини жалб этдилар. Эндиликда асосий эътибор белгиланган тадбирларни бажаришни ташкил этишга қаратилиши лозим. Ҳозирдаёқ бу соҳада муайян силжишларга эришилди. Аммо узилишлар ҳам бор: Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги билан Чорвачилик машинасозлиги министрлиги янги техниканинг бир қанча намуналарини ишлаб чиқаришни ўзлаштирмади. Кучи оширилган тракторларга тиркаладиган машиналар ишлаб чиқариш секинлик билан кўпайтирилмоқда. Қурилиш министрликларининг қишлоқ хўжалик машинасозлиги объектларидаги ишида ҳозирча муҳим ўзгаришлар содир бўлмади. Марказий Комитет билан ҳукуматнинг қарорларини бажаришга министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия комитетлари томонидан бундай ёндашув мутлақо номақбулдир.

(Давоми иккинчи бетда).

## ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАРРАЛАРИ

### Д О Н




Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг бу йилги социалистик мажбуриятларида колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида 2 миллион 950 минг тонна дон, шу жумладан 565 минг тонна шоли етиштирамиз дейилган.

Бу юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажармоқ учун ғаллакорларимиз нималар қилмоқдалар? Улар ўтган йили кузда 768 минг гектар майдонга арпа ва буғдой экдилар. Ерда нам етарли бўлиши туфайли майсалар барқ уриб ўсмоқда ва юқори ҳосилдан далолат бермоқда.

Бироқ ғалладан катта хирмон кўтармоқ учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Жумладан, кузги ғалла майсаларини минерал ҳамда органик ўғитлар билан озиқлантирмоғимиз, ғалла зараркунандалари, касалликлари, бегона ўтларга қарши таъсирчан чоралар кўрмоғимиз, зарур топилган майдонлардаги ўсимликни суғориб, тез ўсиб, ривожланиши, бошоқлаши ҳамда бошоқларнинг салмоқдор ва эртапишар бўлишини таъминламоғимиз керак.

Баҳор фаслида 99 минг гектар майдонга арпа ва буғдой экилиши керак. Маккажўхори майдонларини кенгайтириш, барака уруғини иложи борича тезроқ ерга қадаш лозим. Арпа, буғдой, маккажўхори экадиган тракторлар, сеялкалар тўла икки сменада ишлатилмоғи зарур.

Шоликорларимиз донни кўпайтиришга катта ҳисса қўшишлари мумкин ва лозим. Бунинг учун шолипоялар уруғ қадашга вақтида тайёрланиши, етарли миқдорда сараланган уруғ жамғарилиши даркор.

Район ва область агросаноат бирлашмаларининг, хўжаликларнинг раҳбарлари донни кўпайтиришнинг резервларидан бири мош, нўхат, ловия ва бошқа хил озуқабоп экинлар экиш ва юқори ҳосил олиш планларининг бажарилишини таъминламоқлари зарур.

### С А Б З А В О Т




Бу йил республикамизда қанча сабзавот маҳсулотлари етиштирилиши диаграммада аниқ акс эттирилган. Сабзавоткорларимиз халқимизни йилнинг тўрт фаслида ҳам сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга даъват этилганлар. Бунга эришмоқ учун эртаги, ўртаги ва кечки экинларнинг ҳаммасидан юқори ҳосил олмоқ керак. Давлатимиз сабзавоткорларга етарли миқдорда техника воситалари, сараланган уруғ етказиб бераётир. Хўжаликларнинг ўзида ҳам шароитга мослашган серҳосил уруғлар тайёрланмоқда. Демак, мажбуриятларда белгиланган топшириқларни тўла ва ортиғи билан бажариш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар бор. Вазифа улардан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланиш, кўзланган мақсадга эришишдан иборат.

### К А Р Т О Ш К А




Халқимиз картошкани ҳақли равишда иккинчи нонимиз деб атайди. Аҳоли, умумовқатланиш корхоналарининг картошкага бўлган талаби тобора ошмоқда. Буни ҳисобга олган азамат деҳқонларимиз бу йил 310 минг тонна картошка етиштиришга азму қарор қилдилар. Илғор хўжаликлар ҳар гектар ердан 350—400 центнердан ҳосил олаётир. Бир йилда икки планга тенг картошка тайёрлаётган бригадалар, бўлимлар, звенолар кўп, уларнинг сафи тобора кенгаймоқда.

Бироқ айрим хўжаликларда картошка экиш планлари бажарилмаяпти. Ҳосилдорлик пастлигича қоляпти. Уруғчилик, дала ишларини ёппасига механизациялашга етарлича эътибор берилмаяпти.

Барча хўжаликларда картошка экиш юзасидан белгиланган планлар сўзсиз бажарилиши керак. Бу борада ҳеч кимга имтиёз берилмайди.

### *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

**РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги хизматлари учун ҳамда чиқа бошлаганига 50 йил тўлиши муносабати билан қуйидаги газеталар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Ғаллаорол район «Меҳнат байроғи» газетаси;

Зомин район «Шарқ тонги» газетаси.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри
1984 йил 27 март.

